

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAẖKAMACИHИHГ
ҚAPOPИ

263 2011/2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг
ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига
қабул тўғрисида

Республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни ҳамда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан янада тўлиқ қамраб олишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича коллеж-

лар битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2011/2012 ўқув йилидан бошлаб республика минтақаларида 1-иловага* мувофиқ 59 та касб-хунар коллежини касблар ва мутахассисликларни кенгайтирган ва унификация қилган ҳолда қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув ва методик адабиётлар, шунингдек улардаги мутахассисликларнинг ўзгарган номенклатурасига мувофиқ малакали педагог кадрлар билан таъминлаш чоратадбирларини кўрсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларининг ўрта махсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган 2011/2012 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-хунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари 2 ва 2.1 — 2.13-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев) махсус ишчи гуруҳ ташкил этсин ҳамда бир ой муддатда жойларга борган ҳолда умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини 10-11-синфларда ўқитиш ишларининг аҳволини танқидий ўрганиб чиқсин ва уларни ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқитиш билан янада тўлиқ қамраб олиш юзасидан, шу жумладан касб-хунар коллежларини реконструкция қилиш, улар ҳузурида, мактабларнинг барча 9-синфлари битирувчилари аниқ мутахассисликларни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратишни назарда тутган ҳолда, янги ётоқхоналар қуриш ва мавжуд ётоқхоналарни реконструкция қилиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (А.Н. Арипов), республиканинг касб-хунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида бир ҳафта муддатда 2011/2012 ўқув йилида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-хунар коллежига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

* 1-2, 2.1 — 2.13-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган, иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, зарурият бўлганда, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011/2012 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар ҳамда шу йил 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига қамраб олиш натижалари бўйича якуний ахборот тақдим этсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун, 2011/2012 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини белгиланган тартибда таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда, 2011/2012 ўқув йили учун касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларга қабулнинг ва улар тўлдирилишининг аниқ натижаларини ҳисобга олган ҳолда, 2011 йил 1 сентябргача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ва улар ҳузуридаги ётоқхоналарнинг янгиларини қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш лойиҳаларининг асосий параметрлари ва молиялаштириш манбалари, шунингдек касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни зарур ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун маблағлар ажратиш юзасидан таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекис-

тон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 21 июнь,
186-сон